


ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ



Шу ернинг ўзида Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган кичик саноат зоналари ва истироҳат боғлари лойиҳалари ҳам намойиш этилди.

Юнусобод, Сергели ва Яккасарой туманларида 3 технопарк ташкил этилган бўлиб, улар мавжуд бино ва қувватлардан самарали фойдаланиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Шундай имкониятларни кенгайтириш мақсадида пойтахтимизда яна 6 кичик саноат зонаси ташкил этиш режалаштирилган. Мирзо Улуғбек, Олмазор, Чилонзор, Миробод, Бектемир туманларидаги мавжуд иншоотларни реконструкция қилиш ва янгидан қуриш асосида тузиладиган бу зоналарда турли саноат корхоналари, кичик бизнес субъектлари фаолият юритади.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 24 ноябрь кuni Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда 2017 йилда пойтахтимизда янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этилишини таъкидлаган эди.

— Бугунги кунда бу борада жадал ишлар олиб боришмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Нозим Хусанов. — Боғларнинг ҳар бири ўзига хос кўриниш ва йўналишга эга бўлади. Шайхонтоҳур тумани Белтепа кўчасида кўп функционал болалар истироҳат боғи, Учтепа туманида Фозилтепа ва Фарход кўчалари кесилган жойда Осий ботаника боғи шаклидаги кўнгилочар парк, Чилонзор тумани Бунёдор кўчасида соғломлаштириш аквапарки, Мирзо Улуғбек туманида Хамид Олимжон ва Махатма Ганди кўчалари чорраҳасида эстетик истироҳат боғи, Миробод туманида Нукус ва Ойбек кўчалари кесилувда саломатлик ва спорт боғи, Сергели тумани Дўстлик мавзесида мультимедийвий фавворали маданият ва истироҳат боғи ташкил этилади. Бу паркларнинг жами ер майдони 45 гектарга етади. Уларга 110 аттракцион ўрнатилади. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган бу маданият ва истироҳат боғлари пойтахтимиз кўрғида кўрк қўшиб, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг дам олиши учун янада қулайлик яратди.

Тижорат банклари кўмағида пойтахтимизда дори-дармонлар, қандолатчилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқариш, металл қайта ишлаш, тиббиёт ва кўнгилочар масканлар ташкил этиш режалаштирилган.

Миллий банк томонидан «Тошкент қозғоғи» масъулияти чекланган жамияти негизда 6 фармацевтика корхонаси ташкил этилади. Уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар 18,8 миллион долларлик импорт ўрнини қоплаб, 6 миллион доллар экспорт қилинади. Жами 430 иш ўрни яратилади.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти ҳудудда пўлат қувурлар, металл конструкциялар, иссиқхона конструкциялари, темир эшиклар, бурама михлар ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Бу жами 7,35 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 390 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Мирзо Улуғбек туманида пишлок, бринза, творог ва бошқа сут маҳсулотлари, Шайхонтоҳур туманида экспорт-боп шоколад ва бошқа қандолат маҳсулотлари тайёрлаш, Юнусобод туманида шишакристалит товарлар ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан Яшнобод туманида экспортга мўлжалланган гулқозлар, Олмазор туманида импорт ўрнини босувчи инфузион қоришмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу корхоналарда 200 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Шайхонтоҳур туманидаги «Анхор локомотив» парки замонавий қилиб кенгайтирилмоқда.

«Ипотека-банк»нинг молиявий кўмағида Олмазор туманида керамик плиталар, Учтепа туманида темир оксидли пигмент ишлаб чиқариш режалаштирилган. Уларда жами 230 иш ўрни яратиш, маҳсулотларни экспорт қилиш мўлжалланган.

«Алоқабанк» томонидан собиқ «Нукус» кинотеатри биносидан савдо ва кўнгилочар марказ, Яккасарой туманида тиббий диагностика ва соғломлаштириш маркази ташкил этиш, Миробод туманида мебель ишлаб чи-

қаришни кенгайтириш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

«Асака» банк кредитлари эвазига Олмазор туманида қон тозаловчи филтрлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Мирзо Улуғбек туманида қакао ловиясини қайта ишлаш ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси ташкил этилади. Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳалар билан танишиб, уларнинг ҳар бири бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Юнусобод туманидаги Увайсий номидаги маҳаллада бўлиб, бу ерда фуқаролар йиғини ҳодимлари, профилактика инспектори ва аҳоли учун яратилган қулай шароитлар билан танишди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг чинакам халқона институти сифатида жамиятимизда мустақам ўрин эгаллаган. Бу халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эзгу вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Давлатимиз томонидан маҳаллалар ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши учун ҳуқуқий асослар билан бирга, етарли шарт-шароитлар ҳам яратилмоқда. Увайсий номидаги маҳалланинг янгидан бунёд этилган маркази бу борадаги ишларга ёрқин мисолдир.

Маҳалла ҳудудда асосан кўп қаватли уйлар жойлашган. Ушбу турар жойларда яшайдиган 5 минг 400 дан ортиқ аҳоли орасида турли миллат вакиллари бори. Янги маҳалла маркази одамларни ўзаро яқинлаштиришга, халқимизга хос дўстлик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибат фазилатларини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Марказда маҳалла раиси, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар қурилган, улар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мебельлар, тегишли адабиётлар билан таъминланган. Профилактика инспектори хонаси маҳалла ҳудуддаги жамоат объектларида ўрнатилган видеокузатув ускуналари орқали ҳудудни назорат қилиб туриш имкониятини берувчи монитор билан жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари профилактика инспектори маҳалладаги ҳар бир хонадон билан яқин мулоқот ўрнатиши, кўчалар ва жамоат жойларини қатъий назоратга олиши зарурлигини таъкидлади. Одамлар ишга кетаётганда ҳам, ишдан қайтаётганда ҳам маҳалласида профилактика инспектори ва посбонларни кўрса, кўнгли тинч-хотиржам бўлади.

Профилактика инспекторларини хизмат ўйлаги, имтиёзли кредитлар ҳисобига машиналар билан таъминлаш, уларнинг яшashi ва самарали ишлаши учун барча шарт-шароитларни яратиш бўйича зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Марказда барпо этилган турли китоблар, компьютерлар ва интернет, минглаб электрон адабиётлар базасига эга кутубхона аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг ёйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Замонавий ойхона, новвойхона, «Ўзаллик салонлари», дўконлар, спорт ва болалар майдончалари одамларнинг зарур эҳтиёжларини қондириш билан бирга, ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маҳалла аҳли бир оила каби ишончли, мустаҳкам ришталар билан ўзаро узвий боғланиши керак, деди Президентимиз. Бунинг учун маҳалла фаоллари, профилактика инспектори ҳар бир оила аҳволдан, қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиши, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик тарғиботчисига айланиши лозим. Шундангина одамлар маҳаллага келиб ўз фикрини, таклифини, дардини бемалол айтиши, муаммосига ечим топади.

Мамлакатимиз, аввало, пойтахтимизнинг барча ҳудудларида мана шундай маҳалла марказлари бунёд этиш, аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш, профилактика инспекторларига жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, фуқаролар оқолини яқинлаштириш ва ҳавфсизлигини таъминлаш учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига!

ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

партия ташкилотлари ва депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга кўтариш сингари ҳаётий муҳим жиҳатлар қамраб олинган. Мазкур масалалар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловларда дастурида белгиланган вазифалар билан бевосита ҳамона экани партия ташкилотлари ва депутатлар масъулиятини оширади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Салаватдин Худайбергенов билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.



— Ҳаракатлар стратегияси асосида қабул қилинган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида ижтимоий соҳа билан боғлиқ қайси йўналишларга алоҳида эътибор берилган?

— Дастурда аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, мамлакатимизнинг олис ҳудудларини электр энергия, табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълимни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларида аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, жорий йил давомида саноатда 5440 та лойиҳа амалга оширилиши ва шу асосда 131 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши, қишлоқ хўжалигида 8430 лойиҳа асосида 55 минг 800 та иш ўрни ва хизмат кўрсатиш соҳасида 11 мингта янги лойиҳалар эвазига 69 минг 500 та иш ўрни ташкил этилиши назарда тутилмоқда. Мазкур соҳаларни ривожлантириш

бўйича виллоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолиятини кучайтиришга эътибор қаратилган. Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ва қарорларни ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган.

Шунингдек, ёши улғу инсонларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари қайд этилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича муҳим вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига хизмат қилади. Шунинг учун аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ёлғиз яшовчи кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, ногирон боласи бор оилаларга сифатли тиббий потра-наж хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тасдиқланган дастурнинг амалга оширилиши, ҳар бир имтиёз ва ижтимоий ҳимоя чораси ўз эгасига етиб бориши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш ниятда муҳимдир.

— Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида партия ташкилотлари, депутатлар иштироки ҳақида тўхталсангиз.

— Давлат дастурида тиббиёт масканлари, хусусан, бирламчи тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини янги босқичга кўтариш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

Қонунчилигимизда маҳаллий Кенгаш депутатларига берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан келиб чиқиб, аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, соғлом авлодни камол топтириш масалаларида мансабдор шахсларнинг ахборотларини мунтазам эшитиш, депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланиш зарур, деб ўйлайман.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун қишлоқ врачлик пунктлари, ихтисослашган марказлар ва тез тиббий ёрдам фаолиятини кучайтириш, врачлар ва тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг чегараланган нарх бўйича сотилишини қатъий тартибга солиш, қариялар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалаларини жойларда чуқур ўрганиш лозим.

Шунингдек, биринчи тиббий ёрдамдан қулай ва тезкор фойда-

ланишни таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари, айниқса, олис қишлоқлар аҳолиси учун ҚВП тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий таъминотини яхшилашга қаратилган дастурлар ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириш ҳаётий аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, тўғма ва ирсий касалликларнинг, болалар ва катта ёшли аҳоли орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, озик-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасида ваколатли давлат органлари томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан самарали депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш ниятда муҳимдир.

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловларда дастурида, шунингдек, 2015-2019 йилларда мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида айнан ушбу йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, партияимиз Ҳаракат дастурининг жорий йилга мўлжалланган вазифаларини Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларга мувофиқлаштириш бўйича долзарб масалалар белгилаб олинган.

Шунингдек, партия ташкилотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг ҳудудий бўлимлари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари, тиббий акциялар, мақсадли лойиҳаларни самарали амалга ошириши кўзда тутилмоқда.

— Маълумки, Давлат дастурида таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда ёшлар сиёсатини амалга ошириш бўйича муҳим масалалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида қандай вазифалар турибди, деб ҳисоблайсиз?

— Ёшлар масаласи мамлакатимиз сиёсатининг стратегик йўналишидир. Шунинг билан олган ҳолда, ўқув дастурлари ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртиларининг ваколатларини кенгайтириш назарда тутилган.

Дарҳақиқат, бу борада маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз имкониятларидан, ҳуқуқ ва ваколатларидан фойдаланган ҳолда, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишларни танқидий-тахлилий ўрганиш зарур.

Бунда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш, умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртиларидаги ўқитиш сифатини тубдан ошириш, таълим муассасаларини, энг аввало, касб-ҳунар коллежларини оқилона жойлаштириш, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлаш масалаларини ўрганиш ва шу асосда қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблайман.

Таълим муассасаларига қатнаш имкониятига эга бўлмаган ногирон болаларга инклюзив таълим бериш ҳолати диққат марказида бўлиши лозим.

Ҳар бир вазифани амалга оширишда партия ташкилотларимиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз фаол бўлиши талаб этилади. Айтиш керакки, бу вазифаларни бажариш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, дастлабки қадамлар ташланмоқда.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Нурали ОРИПОВ суҳбатлашди.

Электротар манфаати

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва турмуш фаровонлигини яхшилаш долзарб вазифалардан биридир. Шу боис мамлакатимизда коллеж битирувчиларига қулай шароитлар яратиш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА коллеж битирувчиларига йўлланма берилди

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан Денов туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими, ЎзХДП туман кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди.

— Жорий йилда туманимизда 6 минг 200 дан ортиқ янги иш жойлари яратиш кўзда тутилган, — дейди Денов туман бандлиққа кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутахассиси, туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Абдурахмон Мардонов. — Жойларда богдорчилик, асалари-чилик, паррандачилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш ҳисобида янги иш ўринлари яратиш имконияти катта. Шу билан бирга, касаначилик ва маийш хизмат кўрсатиш йўналишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Битирувчиларни ишга жойлаштириш долзарб вазифа, — дея давом этади Денов хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари, ЎзХДП фаоли Ахрор Мелиев. — 2016-2017 ўқув йилида ҳудуддаги 14 касб-ҳунар коллежини 6 минг 300 нафардан ортиқ йигит-қиз тугаллаб, мустақил ҳаётга қадам қўйди. Ярмарканинг ташкил қилиниши уларни қўллаб-қувватлашда айна мудабо бўлди.

Йиғилганлар коллеж ҳовлисида ташкил қилинган касаначилик маҳсулотлари намойиши билан яқиндан танишди. Иш берувчилар ўз корхоналаридаги қулайликлар ҳақида батафсил маълумотлар беришди. Ярмаркада 140 дан ортиқ корхона ва ташкилот 470 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашган бўлса, яқунда 82 нафар киши иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди. 45 нафар битирувчи имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларини топширилган янада қувонарлидир.

— Меҳнат ярмаркасида кўпчилик ёшлар ишли бўлди, — дейди Сина қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Турдали Сафаров. — Мен Миллий банк Денов туман бўлиmidан имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи сертификатни қўлга киритдим. Чорвачиликни йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратмоқчиман. Ташкилотчиларга раҳмат.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Таълим муассасаларига қатнаш имкониятига эга бўлмаган ногирон болаларга инклюзив таълим бериш ҳолати диққат марказида бўлиши лозим.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 22-23 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташриф доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий sanoat кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Бизнес-форумда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг 500 дан ортиқ ишбилармонлари иштирок этди. Уларнинг ақунари бўйича умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган савдо шартномалари ва инвестициявий битимлар имзоланди.

ЎЗА мухбирлари бизнес-форум ва кўргазмада қатнашган мамлакатимизнинг компания ва корхоналари раҳбарлари, ишбилармонлари билан суҳбатда бўлиб, мазкур тадбирларда эришилган келишув ва битимларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

ОДИЛХОН РУСТАМОВ,
«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси раиси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ишловларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 22-23 март кунлари Қозоғистонда давлат ташрифи бу борадаги вазифалар қанчалик муҳимлигининг яна бир исботидир. Мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва яқин ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бормоқда. 2016 йилда компаниямиз томонидан Қозоғистонга қарийб 500 минг тонна маҳсулот экспорт қилинди. Сабзавотлар, мевалар, узум, полиз маҳсулотлари, қурилиш мева-сабзавотлар шулар сирасидадир.

Жорий йилда режаларимиз бундан ҳам улкан. Январь-февраль ойларида қарийб 16 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган ҳам ҳамкорлигимизнинг уфқлари кенгайиб бораётганидан далолатдир. Йил якунига қадар тизимдаги корхоналарда тайёрланган 560 минг тонна маҳсулотни Қозоғистон бозорига етказиб бериш ниятидамиз.

Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Миллий sanoat кўргазмасида мамлакатимиз sanoat корхона ва компаниялари ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим этди. «Ўзбекнефтегаз» холдинг компанияси тизимдаги 90 дан зиёд корхона ва уларда ишлаб чиқарилаётган 300 га яқин турдаги мева-сабзавот, қандолатчилик, гўшт-сут маҳсулотлари, турли ичимликлар билан иштирок этди. Кўргазма якунида 300 миллион долларга яқин шартномалар имзоланган эришдик.

Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш объектларини қуриш, уларни энг илгор ускуналар билан жиҳозлашга йўналтирилмоқда. Натижада соҳа корхоналари Австрия, Германия, Польша, Жанубий Корея, Хитой каби 20 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг энг замонавий технологик ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бу юқори сифатли, таъки бозорларда рақобатдош маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи таъкирилган маҳсулотларимизни дунёнинг 80 дан ортиқ давлатига экспорт қилимиз. Охириги 10 йилда мева шартлатлари экспорти 2, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ўртача 1,5 баробар қўпайди, валюта тўшуми 6 баробатга ортиди.

Компаниямиз тизимида «Ўзагроэкспорт» корхонаси фаолият юритмоқда. Ҳозир мазкур корхона томонидан Қозоғистонда учта савдо уйи очилган. Бугунги кунда савдо уйлари билан умумий қиймати 40 миллион долларликдан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди.

ЎЗА

Медиа-тур АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Сергели туманининг янги уйлар бунёд этилаётган мавзесида медиа-тур ташкил этилди.

— Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги 2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон қўп квартиралар уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарориди, пойтахт аҳолисини, шу жумладан, ёш оилалар, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги фуқароларни

арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш назарда тутилган, — дейди Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг ўринбосари Асоиддин Тожиев. — Шунингдек, қарорда 2017 йилда 191 та қўп хонадонли уй қурилиши белгиланган бўлиб, шундан 102 таси Тошкент шаҳрида бунёд этилмоқда.

ДЎСТАЛИГИМИЗ ҚУЁШИ МИНГ ЙИЛЛАР ОША НУР СОЧМОҚДА...

ёки «Биз — бир китобнинг икки бетимиз...»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев таклифига биноан ушбу мамлакатта қилган давлат ташрифини ўзбек ва қозоқ халқлари бирдай зўр ҳаяжон билан кузатди.

Президентимиз мазкур давлатга ташрифи олди-дан «Казинформ» агентлигига берган интервьюсида Ўзбекистон ташқи сиёсатда яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаб ўтди.

Авалло айтиш керакки, Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов даврида имзоланган 182 ҳужжатдан иборат шартнома ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий базаси қанчалик мустаҳкамлигини билдиради. Улар орасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2013 йил 14 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома алоҳида ўрин тутди.

Қозоғистон мамлакатимизнинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Ўзбекистон Қозоғистонга табиий газ, автомобиллар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, тўқимачилик, электротехника ва қурилиш материаллари, мева-сабзавот ва бошқа қўлаб товарлар, турли хизматлар экспорт қилади. Қозоғистондан юртимизга нефть, металл, ун, ёрмоқ маҳсулотлари келтирилади.

Музокаралар давомида савдо айланмасини камида икки баробар ошириш имконияти мавжудлиги алоҳида таъкидланди. Мамлакатларимиз иқтисодиёти рақобатчи эмас, аксинча, бир-бирини тўлдирди. Бунинг учун ҳукуматлараро комиссия ва қўшма савдо уйлари фаолиятини кенгайтириш, янги таъминот бозорлари ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ўзаро ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналиши ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг автомобил ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Шу ўринда яна бир янгилик. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи арафаси, яъни 22 мартда Тошкент ва Олмаота ўртасида тезкор темир йўл қатнови йўлга қўйилди. «Қазақстан темир жолы» компаниясининг Олмаотадан амалга оширадиган илк рейси Ўзбекистон пойтахтига етиб келди. Маълумотларга қўра, йўл давомчилиги 16 соатни ташкил этади. Чипталар темир йўл кассаларида сотилиши йўлга қўйилди. Ўриндиқли жой нархи — 100 минг, купе — 150 минг сўмга яқинроқ. Тезкор поезд Тошкентдан Олмаотого ҳар сешанба ва яқшанба кунлари қатнайди.

Айни вақтда 3 мингга яқин қурувчи 2 сменада меҳнат қилишмоқда. Қурувчилар алоҳида қийим-бош, тўрт маҳал оват ҳамда барча жиҳозларга эга ётоқхона билан таъминланган.

Тоштемир худойкулов, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TO'RAQO'RG'ON SHIRINLIK AGRO» қўшма корхонаси кредиторлари диққатига!

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TO'RAQO'RG'ON SHIRINLIK AGRO» қўшма корхонаси Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уй манзилда жойлашган бўлиб, Наманган вилоят Адлия бoшкармаси томонидан 2016 йил 27 октябрда 49-сон билан рўйхатта олинган.

Қўшма корхона таъсисчиларининг 2017 йил 27 мартдаги 2-сонли йиғилиш баёни қарорига асосан қўшма корхона Устав фонди 16 266 554 126,37 сўмдан 16 246 554 126,37 сўмгача камайтирилишини ва МЧЖ шаклидаги «TO'RAQO'RG'ON SHIRINLIK AGRO» хорижий корхонасига айлантирилишини маълум қилади.

Даво ва эътирозлар Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уйда қабул қилинади.

Телефон: 0(369) 442-24-80.

«Истиқбол» ёшлар қаноти ЁШ СИЁСАТЧИЛАР ТАНЛОВИ

«Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танловининг дастлабки босқичи Самарқанд вилоятидаги бошланғич партия ташкилотларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Унда иштирокчилар 3 шарт асосида ғолиблик учун курашмоқда.

Жомбой туманидаги транспорт касб-хунар коллежида ўтказилган танловда қатнашчилар ижтимоий-иқтисодий соҳаларни янада ривожлантириш масалалари, янги иш ўринлари яратиш, йигит-қизларни кичик бизнес, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича лойиҳалар тақдим этишди. Улар орасидан истиқболли, деб топилганларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан тақлифлар берилди.

Фарангиз Тошпўлатова «Ёшлардан — ёшларга» номли лойиҳаси билан иштирок этди. Унинг тақлифлари ёшларнинг қарашлари, хоҳишлари инобатга олингани билан аҳамиятли бўлди. Фарангиз кўрик-танловнинг туман босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Таъкидлаш керакки, биргина Жомбой туманида бу йилги танловда иштирок этувчилар сони 160 нафардан ошди. Бу эса, беллашув нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолат беради.

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танлов барча бошланғич ташкилотларда юқори савияда ташкил этилмоқда.

Исламбек УМИРОВ, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши сектор муdiri.

Маҳаллий кенгашларда ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Жиззах вилоят партия кенгашида туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари, тарғибот гуруҳи аъзолари, депутатлар ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида сиёсий ўқув ўтказилди.

Машгулотда сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бошқарувда қарорлар қабул қилиш назарияси ва амалиёти масалалари юзасидан тингловчиларга кўргазмалар слайдлар орқали маълумот берилди.

Шунингдек, сиёсий ўқувларга мутахассислар, тажрибали депутатлар, профессор-ўқитувчиларни фаол жалб этиш лозимлиги қайд этилди. Партия аъзолари ва тарғиботчиларга ҳар бир мавзу юзасидан атрофлича маълумот бериш, тадбирларни самарали ўтказиш, бу борада замонавий сиёсий технологиялардан унулни фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Иштирокчилар келгусида ўқув машгулотларини таъсирчанлигини оширишга оид фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шу билан бирга, ўтказилаётган тадбирлар тафсилотларини маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритиш юзасидан тавсиялар берилди.

Хусан АБДУНИЁЗОВ, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Ангрэн шаҳар кенгаши раиси Илхомжон АБДУКАЮМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

СУРХОНДАРЁНИНГ НАВРЎЗ УДУМЛАРИ



Сурхондарё вилоятининг ям-яшил қирларида Наврўз айёми халқ сайиллари билан бошланди. Унда дастлаб сумалак пиширишга киришилди, бу ишга кайвони момолар бош-қош бўлди.

Йигитларга сойлардан тош териб келиш буюрилди. Момолар уларнинг ҳар бири учун тилаклар билдириб, қозонга ташлашди. Сумалак пишириш ҳақиқий байрамга айланди. Қизгин суҳбатлар, дилтортар хангомалар куй-қўшиқларга улашиб кетди.

**Қозонга отдим тошим,
Сумалак, ҳалол ошим,
Ковлаб-ковлаб пиширдим,
Сумалак ширин ошим.**

— Яхши ният қилиб, сумалак ковланганнинг муроди албатта ҳосил бўлади, — дейди бойсунлик Тўти момо Раҳматова. — Наврўз сайилининг энг қизик жойи ҳам сумалак пишириш маросимидир. Йиғилганлар галма-гал капкир билан қозон ковлашга киришади. Шу пайт доирачи йигитлар қозон ёнига яқинлашади. Қизлар уларга пешвоз чиқиб, «Кел-хо, кел» қўшиғини бошлайди.

**Турналар учиб келди, кел-хо, кел,
Баҳорни кучиб келди, кел-хо, кел,
Сабзаларни ундириб, кел-хо, кел,
Наврўз ҳам кириб келди, кел-хо, кел.**

— Сумалак Наврўзнинг тансиқ таоми, — дейди момо суҳбатини давом эттириб. — Ундан татиб кўрган киши кун бўйи кўтаринки кайфиятда юради.

**Бошоқ бўлсин, дон бўлсин,
Бугдой бўлсин, кепак бўлсин.
Ун бўлсин-у, нон бўлсин.**

— Агар ният холис бўлса, Яратганнинг ўзи тилаганининг муродини албатта ҳосил қилади, — дейди момо дастурхон ёзишга киришаркан, узун ва кенг кўйлагининг ёнғини шимариб. — Мана, қаҳри қаттиқ Аямажўз ҳам яхши келди. Ундан кейин уч кун Нас, сўнг Оби раҳмат. Айтишадик:

**Кўкдан ёғилса раҳмат,
Ерга тушар барокат.**

— Ҳақ гапни айтингиз момузон, — дейди Деҳқонбобо Тўти момонинг гапини диққат билан тинглаб. — Лекин негадир, кўнглим ғаш. Мана, ерга уруғни ҳам қадаб бўлдик. Лекин ёмғир ёлмапти. Қадимда, ёмғир ёлмай қолган пайтда, «Суст хотин» маросимини ўтказишган. Келинлар, биз ҳам шундай қиламиз.

**Тўти момо қўшиқ айтишни бошлайди:
Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майда хотин,
Ёмғир ёғсин, ҳўл бўлсин,
Еру-жаҳон кўл бўлсин,
Майсалар қулоч ёйсин,
Сут-у қатик мўл бўлсин.**

Кўш нақд пешонага урилган маҳал момоқалдирик гулдираб, чақмоқ чакди. Бир зумда осмонни булутлар қоплаб, ёмғир ёғди. Деҳқонбобо бошчилигидаги хашарчилар кўракларини ёмғирга тутиб, «Оби раҳмат, оби раҳмат», — деб гўдаклардай севишиб кичкиришди. Сал нарироқда, ям-яшил қирда Наврўз сайилини ўтказётганлар ҳам ёмғирдан ўзларини панага олмади. Бу ерда байрам сайли айни авжга чиққан. Бир томонда кўпкари, кураш, иккинчи томонда қизлар чанқовуз чалиб, турли ўйинлар намойиш қилади.

Кўп ўтмай, осмонда кўш яна чарақлаб кўринди. Кўкда кўклам даракилари — турналар гўё қўшиқ айтаётгандай қурқуллашиб учиб келди.

— Момоқон, қаранг, осмонда турналар пастлаб учиб келмоқда. Бунда ҳам бирон ҳикмат борми?

— Ҳа, болажон, бунда катта ҳикмат бор. Агар, турналар баланд учиб келса, йил қуришли келади. Агар у пастлаб ўчса, ризқимиз мўл бўлади. Демак, йилимиз янада унумли, ишимиз барокатли бўлади.

**Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Реклама ва табрик


САМАРҚАНД ТУМАНИДАГИ

«СТЕКЛОПЛАСТИК»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Халқимизни

**Наврўз байрами
билан табриклайди!**



Маҳсулотлар сертифициланган.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Баш муҳаррир: **Савар ОСТОНОВ**

ТАХРИР ХАҲ'АТИ:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338
17657
naxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tiflorat materiallari
O'zA yakuni — 22:00
Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6